2009 йил 4 июнь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 110 (11.421)

Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида халқаро муносабатлар тизимида парламентлараро алоқалар масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар парламентлараро ҳамкорлик ташкилотларининг бугунги халқаро муносабатлардаги роли ва ўрни ҳақида батафсил тўхталиб ўтишди.

• Қарши педагогика коллежида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ахборот-ресурс марказларининг республика кўрик-танлови ўтказилди. Унда кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар босқичлари ғолиблари қатнашиб, Тошкент шаҳар санъат коллежи ахборот-ресурс маркази «Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази» номига сазовор бўлди.

• Москва шаҳрида ўтказилган 35-халқаро конференцияда «Бухоро» халқаро аэропорти «МДҲ мамлакатларининг 2008 йилдаги энг яхши аэропорти» танловида биринчи ўринни олганлиги эълон қилинди. «Бухоро» халқаро аэропортига «Аэропорт» ассоциациясининг Фахрий ёрлиғи ва махсус мукофот топширилди.

• Сурхондарё вилоятида «Мактабгача таълим муассасаларида тажриба-синовларни ва инновацион жараёнларни ташкил этиш, уларни бошқариш ва мувофиқлаштириш» мавзуида республика семинари бўлиб ўтди.

• «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ЁИҲ ҳамкорлигида ташкил этилган «Келажак овози» республика кўрик-танловининг Фарғона, Наманган, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси саралаш босқичлари бўлиб ўтди.

• Самарқанд шаҳрида «Samarkand Agrominitech Expo — 2009» кўргазма-савдо ярмаркаси бўлиб ўтди. Қишлоқ хўжалик корхоналарини замонавий ва ихчам технологиялар, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ускуналари билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур ярмаркада 800 га яқин фермер хўжаликлари раҳбарлари ва тадбиркорлар иштирок этди.

• Тошкент вилоятида умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ жалб этиш ҳамда ўрта махсус ўқув юртларини тугатган ёшларни касб ва малакалари бўйича иш билан таъминлаш мақсадида «Маҳорат — 2009» кўргазмаси уюштирилди.

### ЖАҲОНДА

• Франция Президенти Николя Саркози агарда Эрон ўз ядро дастури бўйича музокараларда қатнашишни рад этса, ушбу мамлакатга нисбатан яккалаб қўйиш сиёсати қўлланишини билдирди.

• Ҳиндистон парламенти тарихида спикерлик лавозимига илк бор аёл киши сайланди. Мейра Кумар хоним ушбу вазифага сайлангунга қадар мамлакат сув ресурслари вазири, Ҳиндистоннинг Испания ва Буюк Британиядаги элчиси сифатида фаолият кўрсатган.

• Венесуэла маъмурияти Зулия штатидаги Малакайбо кўли яқинида жойлашган, нефть қазиб олиш жараёнлари билан шуғулланувчи 35 та пудратчи компанияни давлат тасарруфига ўтказди. Таъкидлаш жоизки, Венесуэлада нефть захираси 11,2 миллиард тонна бўлиб, аниқланган дунё нефть захирасининг 7 фоизини ташкил этади.

• «Air Franse» авиакомпанияси Рио-де-Жанейро — Париж рейси бўйича парвоз қилаётган пайтда ҳалокатга учраган «А-330-200» аэробуси йўловчиларининг рўйхатини расман эълон қилди.

• АҚШ нефть заҳирасининг кўпайиши ҳамда долларнинг мустаҳкамланиши муносабати билан жаҳон нефть бозорларида ушбу хом ашёнинг нархи ўртача тўрт фоизга тушди. Яъни Лондон биржасида ўтказилган савдолар чоғида бир баррел нефтнинг нархи 65,88 доллар миқдорида қайд этилган бўлса, Нью-Йоркда бу кўрсаткич 66,12 доллар бўлди.

• АҚШ ҳукумати хатоликка йўл қўйиб ядро ёнилғиси сақланувчи омборларнинг жойлашган ерлари белгиланган хариталарни ҳам ҳисобга олганда давлат ядро иншоотлари ва дастурлари тўғрисидаги батафсил маълумот берувчи мутлақо махфий ҳужжатни ошкор қилди. Ушбу ҳужжат ҳукумат нашри бошқармаси сайтига жойлаштирилди.

• Жанубий Корея оммавий ахборот воситаларида КХДР АҚШга етиб бориши мумкин бўлган узоқ масофага учувчи баллистик ракетанинг қисмларини йиғишни бошлаганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинди. Ушбу масала юзасидан бугун БМТ резолюцияси қабул қилиниши кутилмоқда.

• Хитойнинг Хунань музофотида олиб борилган археология қазишмалари чоғида қадимий сопол ҳумча топилган. У 18 минг йил аввал ясалган бўлиб, ҳозиргача топилган шу турдаги буюмлар ичида энг қадимийси саналади.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва бошқа идора, ташкилот, корхона, муассасалар билан ҳамкорликда бир неча йилдан буён «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати лойиҳасини муваффақиятли амалга ошириб келмоқда.**

### «БУНЁДКОР — 2009»: МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Лойиҳадан кўзланган мақсад навқирон авлодни моддий-маънавий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, талабаларнинг ёзги таътилини мазмунли ташкил этиш, амалий кўникмаларини янада ривожлантиришга кўмаклашиш, навқирон авлодни бунёдкорлик, яратувчилик каби эзгу қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялашдан иборат.

Ушбу фаолият ёшлар ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа тегишли тузилмалар ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Унга 18-30 ёшдаги йигит-қизлар қамраб олинаётир. Ёшлар қурилиш, қишлоқ хўжалиги, ободонлаштириш, хизмат кўрсатиш тармоқлари, педагогика соҳаларида иш олиб бормоқда. Жумладан, ўтган йили қарийб икки минг нафарга яқин йигит-қизни ўз ичига олган ўттиз бешта меҳнат жамоаси жойларда ёш оилалар учун барпо этилаётган уй-жойлар қурилишига жалб этилди.

Лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасида ўқув йилини муваффақиятли якунлаб, ёзги таътилга чиққан талабаларнинг дам олиш мавсумини оқилона ташкил этишига кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ўтган йилги меҳнат мавсумида ана шу мақсадда қирқ олти олий таълим муассасасида ўн етти минг нафардан ортиқ талабани қамраб олган "Бунёдкор" талабалар меҳнат ҳаракати фаолият юритди.

Жумладан, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент молия институти талабаларининг қарийб бир юз ўттиз нафари ана шундай меҳнат гуруҳларига бирлашиб, пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги болалар шифохонаси ва бошқа тиббиёт масканларини реконструкция қилиш жараёнида етакчи қурувчилар билан бир сафда туриб ишлади.

Тошкент архитектура-қурилиш институти талабалари эса Собир Раҳимов туманида ёш оилалар учун барпо этилаётган уйлар қурилишида қатнашди. Тошкент ахборот технологиялари университетининг бир гуруҳ ёшлари эса Қашқадарё вилоятида барпо этилаётган йирик алоқа тармоқларидан бири — Чироқчи-Яккабоғ телекоммуникация тармоғи қурилишида меҳнат қилди.

(Давоми 2-бетда).



**Маҳсулот сифати ва қадоқланишига қаратилган эътибор унинг харидоргирлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.**



## ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

Шу боис ҳам хорижий шериклар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган «GREEN WORLD» қўшма корхонаси тадбиркорлари тайёрланаётган шарбатлар қадоқланишига бозор талаблари асосида ёндошишмоқда. Замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган корхона цехларига ўтган йил охирида яна бир янги дастгоҳ келтириб ўрнатилиши бундан яққол далолат бўлиб, бугунги кунда маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилаётган шарбатлар унинг асосида қадоқланмоқда. Бу энг замонавий «Tetra Pak» линияси бўлиб, ҳозирда унинг ёрдамида 11 хил табиий шарбатлар тайёрланиб, ҳамшаҳарларимиз дастурхонига етказиб берилмоқда. Энг асосийси эса импорт ўрнини босувчи бундай маҳсулотлар сифати ва таъми билан ички бозорда харидорини топиши баробарида, четга ҳам экспорт қилиняпти.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: табиий шарбатлар сифатига эътибор қаратилмоқда**

Қарор ва ижро

## ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАР ҲУҚУҚИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида юртимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.**

Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажми изчил ва барқарор ўсиб бораётир. Инвестиция дастурларини амалга ошириш натижасида қарийб 250 миллиард сўмлик асосий фондга эга 423 объект ишга туширилди.

Бундай омиллар, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига хизмат қилса, бошқа томондан янги иш ўринлари яратилиши ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлайди. Жаҳон молиявий инқирози давом этаётган бир шароитда мамлакатимизда бундай ижобий кўрсаткичлар кўлами ва салмоғи тобора ортаётгани истиқболни кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир.

Ҳозир мамлакатимизда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг эркин фаолият юритиши учун зарур кафолатлар, қулай ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар кўлами тобора кенгаймоқда. Хусусан, рўйхатга олиш, ҳисоботларни тақдим этиш, рухсатномалар бериш тартиб-таомиллари соддалаштирилди. Ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд орқали амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 июндаги фармойишига биноан, 2009 йил 26 май куни Андижон вилоятининг Андижон ва Хонобод шаҳарларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари юзасидан қўзғатилган жиноий ишнинг очиқ суд муҳокамасини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Ҳ. Қодиров раҳбарлигида комиссия тузилди.

Комиссия зиммасига мазкур террорчилик ҳаракатлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига тўла мос равишда қўзғатилган жиноий иш материалларининг судда очиқ ва холисона кўриб чиқилишини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича зарур ёрдам кўрсатиш, суд жараёнининг хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилиши учун шарт-шароит яратиш вазифалари юклатилди.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Матбуот хизмати**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

✓ **КЕЧА** Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришнинг аҳамиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг самарадорлигини ошириш масаласига бағишланди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ўртасида ташкиллаштирилган «Йил тарбиячиси» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

✓ **КЕЧА** академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича IV босқич олимпиадаси Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида очилди. Ушбу тадбир 6 июнгача давом этади.

